

# Қуръони Карим дарслари (105-дарс). Муташобих сифатларга оид оятлардан намуналар



**Қуръони Карим**  
ДАРСЛАРИ **105-ДАРС**

Қуръони Карим дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Қуръон илмлари» китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

13:30 / 29.09.2020 3559

islom.uz - 062. ?????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????(2)

(иккинчи мақола)

**7. «Истиво» сўзининг араб тилида ифодаланадиган маъноларидан еттинчиси - «иқбол» («юзланиш»), «суъуд» («юқорига кўтарилиш») ва «амд» («қасд қилиш») маъноларидир.**

Араб тилидаги «истава ила самааи» ибораси «осмонга чиқди» ёки «осмонни қасд қилди», ёхуд «осмонга юзланди», ёки «унга эга бўлди» деган маъноларни билдиради.

Луғат илми уламолари: «Арабларда ушбу маъноларни бир-бирининг ўрнига ишлатиш мумкин», дейдилар.

«Истава ѓалал-арш» бирикмаси Қуръони Каримнинг еттита оятида келган.

Шулардан биринчиси - Аъроф сурасининг 54-ояти:

عَلَى اسْتَوَى ثُمَّ أَيَّامٍ سِتَّةٍ فِي وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي اللَّهُ رَبَّكُمْ إِنَّا

الْعَرْشِ

«Албатта, Роббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршга истиво қилган... Аллоҳдир» (54-оят).

Иккинчиси – Юнус сурасида:

الْعَرْشِ عَلَى اسْتَوَى ثُمَّ أَيَّامٍ سِتَّةٍ فِي وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي اللَّهُ رَبَّكُمْ إِنَّ

«Албатта, Роббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнг Аршга истиво қилган Аллоҳдир» (3-оят).

Учинчиси – Тоҳо сурасида:

اسْتَوَى الْعَرْشِ عَلَى الرَّحْمَنِ

«Роҳман Аршга истиво қилди» (5-оят).

Тўртинчиси – Фурқон сурасида:

الْعَرْشِ عَلَى أَسْتَوَى ثَمَّ أَيَّامٍ سِتَّةٍ فِي بَيْنَهُمَا وَمَا وَالْأَرْضَ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي

خَيْرًا بِهِ فَسَّئَلُ الرَّحْمَنُ ﴿٥٩﴾

«(У) осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратган, сўнгра Аршга истиво қилган Зотдир. У Роҳмандир. Бас, ўша ўта хабардордан сўра» (59-оят).

Бешинчиси - Сажда сурасида:

عَلَى أَسْتَوَى ثَمَّ أَيَّامٍ سِتَّةٍ فِي بَيْنَهُمَا وَمَا وَالْأَرْضَ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي اللَّهُ

تَذَكَّرُونَ أَفَلَا شَفِيعٌ وَلَا وَلِيٌّ مِنْ دُونِهِ مَنْ لَكُمْ مَا الْعَرْشِ ﴿٤﴾

«Аллоҳ осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра Аршга истиво қилган Зотдир. Сиз учун Ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқдир. Эслатма олмайсизларми?!» (4-оят).

Олтинчиси - Ҳадид сурасида:

الْعَرْشِ عَلَى أَسْتَوَى ثَمَّ أَيَّامٍ سِتَّةٍ فِي وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي هُوَ

«У осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Аршга истиво қилган Зотдир» (4-оят).

Еттинчиси – Раъд сурасида:

الشَّمْسِ وَسَخَّرَ الْعَرْشِ عَلَى أَسْتَوَى ثَمَّ تَرَوْنَهَا عِمْدٍ بَغَيْرِ السَّمَوَاتِ رَفَعَ الَّذِي اللَّهُ

ط  
وَالْقَمَرِ

«Аллоҳ сиз кўриб турган осмонларни устунсиз кўтарган, сўнгра Аршга истиво қилган, қуёш ва ойна беминнат хизматкор қилиб қўйган Зотдир» (2-оят).

Ушбу етти оятга диққат билан назар солган киши қуйидагиларни мулоҳаза қилади:

– Аршга истиво ушбу оятларнинг олтитасида осмонлару ернинг яратилишидан кейин зикр қилинган. Раъд сурасидаги оятда эса осмонларнинг устунсиз кўтарилганидан кейин зикр қилинган.

– Бу оятларнинг барчасида «истиво» феъли Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ва У Зотга қайтадиган замирга нисбат берилган. Шу билан бирга, бу оятларда истивони Аллоҳ таолодан бошқага нисбат бериш мутлақо йўқдир.

– Ушбу оятларнинг барчасида «истиво» феъли «ъала» (олд кўмакчи) ҳарфи билан келган. Бу феъл ушбу ҳарф билан келганда, устун бўлиш маъносини

билдиради.

– Бу оятларнинг олтитасида «истиво» феъли олдин «сумма», яъни «сўнгра» боғловчиси билан келган. Ушбу боғловчи аслида «бир оз вақт ўтгандан кейин» деган маънони беради. Тоҳа сурасидаги оятда эса боғловчисиз келган.

Ушбу ояти карималардаги услуб ва тартибда Аршнинг яратилиши Аллоҳ таолонинг махлуқотларининг яратилиши чўққиси бўлганига, уларнинг яратилиши тугал бўлганига ва У Зот уларни ихота қилиб туришига ишора бордир. Шунга биноан, Арш Аллоҳ таолонинг қудрати ҳар нарсага етишига ва хоҳиши жорий бўлишига энг ойдин далилдир.

Бас, шундай экан, «Аршга истиво қилиш»ни махлуқотлардаги маълум ҳиссий маънолар – «ўтириш», «қарор топиш», «макон олиш», «жойлашиш» кабиларга буриш мутлақо мумкин эмас. Зотан, Аршнинг маъноларидан бири подшоҳ ўтирадиган тахтни ифода қилади. Тахт подшоҳликнинг аломатларидан бири бўлади. Бу маънони Аллоҳ таолога нисбат бериб бўлмайди.

Ушбу айтилганлардан келиб чиқиб, салафлар айтадилар: «Аллоҳ таолонинг макондан, тарафдан, жойлашишдан, ҳиссий кўтарилишдан олий ва пок эканини қатъий таъкидлаймиз. Бу оятларнинг таъвилига шўнғимаймиз. Муродни билишни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзига ҳавола қиламиз».

*(Давоми бор)*

**«Қуръон илмлари» китобидан**